

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/04.06.2020.Ped.76.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

БАННАЕВ НУРМУХАММАД ТОШМАМАТОВИЧ

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ТАЛАБАЛАРИДА ШАХС ВА
ЖАМИЯТ МАНФААТЛАРИ УЙҒУНЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШГА ОИД
БИЛИМЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ЙЎЛЛАРИ**
(Хуқуқ фанларини ўқитиш мисолида)

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (хуқуқ)

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Наманган – 2021

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on
pedagogical sciences**

Баннаев Нурмухаммад Тошмаматович

Олий таълим муассасалари талабаларида шахс ва жамият манфаатлари
уйғунлигини таъминлашга оид билимларни шакллантириш йўллари (Ҳуқуқ
фанларини ўқитиш мисолида)..... 3

Баннаев Нурмухаммад Тошмаматович

Способы формирования знаний о гармонизации интересов личности и
общества у студентов высших образовательных учреждений (На примере
преподавания права) 23

Bannayev Nurmukhammad Toshmamatovich

Ways of forming knowledge about the harmonization of interests of the individual
and society among students of higher educational institutions (On the example of
teaching law) 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published work 47

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/04.06.2020.Ped.76.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

БАННАЕВ НУРМУҲАММАД ТОШМАМАТОВИЧ

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ТАЛАБАЛАРИДА ШАҲС ВА
ЖАМИЯТ МАНФААТЛАРИ УЙҒУНЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШГА ОИД
БИЛИМЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ЙЎЛЛАРИ**
(Ҳуқуқ фанларини ўқитиш асосида)

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (ҳуқуқ)

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Наманган – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.2.PhD/Ped 949 ракам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертация Наманган давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.namdu.uz) ва "ZiyoNet" Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Хашимова Маъсуда Камилжановна
педагогика фанлари номзоди, доцент

Расмий оппонентлар:

Юсупова Шоҳидахон Жалолиддиновна
педагогика фанлари доктори, профессор

Топилдиев Баҳромжон Раҳимжонович
юримдик фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Самарқанд давлат университети

Диссертация ҳимояси Наманган давлат университети ҳузуридаги PhD.03/04.06.2020. Ped.76.02 ракамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «22» 09 соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 160107, Наманган шаҳри, Бобуршоҳ кўчаси 161-уй. Тел.: (+99869) 228-85-01; факс: (+99869) 228-85-02; e-mail: info@namdu.uz)

Диссертация билан Наманган давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (3 раками билан рўйхатга олинган). Манзил: 160119, Наманган шаҳри, Уйчи кўчаси, 316-уй. Тел.: (+99869) 227-29-81.

Диссертация автореферати 2021 йил «9» 09 куни тарқатилди.
(2021 йил «9» 09 да 3 - ракамли реестр баённомаси).



[Handwritten signature]

Т.Файзуллаев
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси,
с.ф.д., профессор

[Handwritten signature]

Ш.К.Хужамбердиева
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, педагогика фанлари
бўйича фалсафа доктори (PhD)

[Handwritten signature]

К.М.Боймирзаев
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги илмий
семинар раиси, г.ф.д.(DSc), доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда учинчи минг йиллик шахс ва жамият манфаатлари муштараклигини таъминлашни мураккаб вазифалардан бирига айланмоқда. Ижтимоий онгдаги трансформация жараёнлари, нодемократик онгнинг ижтимоий фикр ва ижтимоий хулқ-атворга бузғунчи таъсири тобора кучайиб бораётганлиги боис, бугун жамиятда бўлаётган ўзгаришларга бепарволик, ғайриинсоний ва ғайридемократик муносабат кўринишларини бартараф этиш масалаларини ўрганиш устувор вазифа даражасига кўтарилмоқда. Аҳолининг ҳуқуқий маданиятини шакллантириш орқали шахс ва жамият манфаатлари уйғунлигини таъминлаш, шахс ва давлатнинг ўзаро муносабати бўйича инсоният томонидан тўпланган тажрибадан фойдаланиш зарурлигини ҳисобга олиб, БМТ Бош Ассамблеяси 1995-2004 йилларни Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълимнинг ўн йиллиги деб эълон қилди, шахс ва жамият манфаатлари уйғунлигига асосланган ижтимоий барқарорликни таъминлашга доир замонавий педагогик ёндашувларни, ҳаракат дастурларини ишлаб чиқиш зарурати ортиб бормоқда¹.

Дунёнинг етакчи илмий тадқиқот муассасалари, хусусан Centre Research Civil Society of University name Johns Hopkins (АҚШ), European Union Institute for Security Studies (Франция), Institute of Contemporary Arts (Англия), Berlin Civil Society Center (Германия) каби марказларда шахс ва жамият манфаатларини уйғунлаштириш, миллий ва умуминсоний муносабатларни тартибга солишнинг педагогик усулларини такомиллаштиришга оид кўплаб илмий изланишлар олиб борилмоқда. Зеро, икки одамда, икки гуруҳда ёки икки турли маданиятда бир хил эҳтиёжлар мавжуд бўлмайди ва ҳеч қандай таълим усули, барча одамларни, барча гуруҳларни ва бутун жамиятни тенг даражада қониқтирмайди, шахс ва жамият муносабатларининг янгича қиёфасини, меъёрларини яратиш, манфаатлар муштараклигини ёш авлодга сингдириш механизмларини ишлаб чиқиш, таълим тизимида ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитиш методикасини такомиллаштириш орқали ижтимоий барқарорлик ва ҳамжиҳатликни шакллантириш долзарб вазифага айланмоқда².

Ўзбекистонда “Учинчи Ренессанс даврига пойдевор яратилаётган шароитда шахс ва жамият муносабатларини тартибга солиш, узлуксиз таълим тизимида шахс ва жамият манфаатларининг муштараклигига оид чуқур билим бериш технологияларини яратиш ва такомиллаштириш масалалари долзарблик касб этмоқда”³. Шу асосда педагогик тадқиқотларда шахс ва жамият манфаатлари муштараклигини тадқиқ этиш ва “хар бир соҳа ва йўналиш, таълимнинг барча босқичлари учун ҳуқуқий маданиятни

¹ Инсон ҳуқуқлари умумий назарияси. – Тошкент, Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2012. –Б.6

² Образование в области прав человека: национальный и зарубежный опыт / Отв. ред. А. Х. Саидов. – Ташкент: Национальный центр Республики Узбекистан по правам человека, 2011. – С. 11.

³ Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма тўққиз йиллигига бағишланган тантанали маъросимдаги нутқи // Халқ сўзи. 2020 йил 1 сентябрь.

юксалтиришнинг илмий асосланган дастури тайёрланиши”⁴ зарур. Мазкур жараёнда эса, “ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда шахсий манфаатлар ҳамда жамият манфаатлари ўртасидаги мувозанатни сақлаш ғояларини аҳоли онгига сингдириш”⁵ энг устувор вазифа сифатида белгиланди.

Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 14 сентябрдаги ЎРҚ-406-сон “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, 2017 йил 5 июлдаги ПФ-5106-сон “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги, 2019 йил 9 январдаги ПФ-5618-сон “Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги, 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш Концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги, 2020 йил 29 апрелдаги ПФ-5987-сон “Ўзбекистон Республикасида юридик таълим ва фанни тубдан такомиллаштириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонлари, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда мазкур диссертация иши ҳуқуқ фанларини ўқитиш орқали олий таълим муассасалари талабаларида шахс ва жамият манфаатлари уйғунлигига оид билимларни шакллантириш ва ривожлантиришни амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мамлакатимизда шахс ва жамият манфаатлари уйғунлигига оид масалаларнинг назарий таҳлили ва амалий ечимлари Ф.Р.Абдурахмонов, М.Арипова, Б.К.Иминов, М.Тожиев, Б.Зиёмухамедов, Ш.Курбанов, И.Юлдашева, А.В.Фахрутдинова, Г.Ю.Ашуровалар томонидан, талабаларда ҳуқуқий таълим асосида билим ва кўникмаларни ривожлантиришга доир масалалар А.Х.Саидов,

⁴Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. 4-том. – Тошкент: Ўзбекистон, 2020. – Б.114.

⁵ <https://www.lex.uz/docs/4149765>. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 январдаги “Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-5618-сон Фармони

М.Ҳ.Усмонбоева, З.М.Исломов, О.Каримова, И.В.Кудрявцев, Х.Т.Маматов, О.Т.Насириддинова каби олимларнинг илмий изланишларида ўрганилган.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларида олий таълим муассасалари талабаларининг шахс ва жамият муносабатларига оид билимлари, фикрлаш тарзи ва дунёқарашини ўстиришга қаратилган тадқиқотлар Б.Р.Джураева, П.М.Рогачев, М.А.Свердлин, М.А.Гулиев, И.Д.Коротец, И.П.Чернобровкин, Д.Беллар томонидан олиб борилган. Ушбу изланишларда олий таълим муассасалари талабаларининг шахс ва жамият манфаатлари уйғунлиги, ҳуқуқий компетентлиги ва маданиятини шакллантириш, уни изчил ривожлантириш масалалари тадқиқ қилинган.

Ривожланган хорижий давлатларда W.Nahlweg, A.Giddens, J.E.Stiglitz, P.Russel, F.Bealey, J.Rotschild каби олимлар томонидан олиб борилган шахс ва жамият муносабатлари, манфаатлари муштараклигига оид изланишларда, хусусан, “ҳуқуқий маданият”, “ҳуқуқий компетентлик” тушунчаларининг тавсифи, Европа давлатларида эътироф этилган ҳуқуқий маданият сифатлари, шахсда шахс тушунчаси, жамият ва давлат манфаатларини уйғунлигини таъминлашга оид хориж тажрибалари ёритилган⁶.

Юқоридаги тадқиқотларда шахс ва жамият муносабатларининг тарихий, фалсафий, сиёсий, ҳуқуқий, ижтимоий-педагогик жиҳатлари ўрганилган бўлса-да, аммо замонавий ёш авлод онгида шахс ва жамият манфаатлари уйғунлигига оид билимларни шакллантиришнинг методик ва технологик томонлари етарлича тадқиқ этилмаганлиги боис бу борада янги илмий изланишлар олиб боришни тақозо этади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот режалари билан. Диссертация тадқиқоти Наманган давлат университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг “Миллий ғоя: шахс, жамият ва давлат манфаатлари уйғунлиги – тараққиёт гарови” мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади олий таълим муассасалари талабаларида шахс ва жамият манфаатлари уйғунлигини таъминлашга оид билимларни шакллантириш йўлларини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

олий таълим муассасалари талабаларида шахс ва жамият манфаатлари уйғунлигига оид билимларни шакллантириш жараёнинг педагогик жиҳатларини илмий асослаш;

талабаларда шахс ва жамият манфаатлари уйғунлигини таъминлашга оид билимларни шакллантириш йўлларининг шахсга йўналтирилган

таълим технологияси орқали коррекцион-функционал асосларини такомиллаштириш;

талабаларда шахс ва жамият манфаатлари уйғунлигини таъминлашга оид кўникмалар шакллантиришга хизмат қилувчи “жамият – шахс – билим – ҳаёт – амалиёт” интеграцияси тамойили татбиқ этиш механизмларини такомиллаштириш;

⁶Мазкур олимларнинг асарлари диссертациянинг “Фойдаланилган адабиётлар рўйхати”да келтирилган.

“Диалектик ёндашув” ва “Прагматик фикрлаш” таълим технологияларини жорий этиш механизмлари асосида талабаларга ижтимоий муносабатлар моҳияти, уларни юзага келтирувчи сабабларни ўргатишнинг педагогик моделини такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида олий таълим муассасалари талабаларида шахс ва жамият манфаатлари уйғунлигини таъминлашга оид билимларни шакллантириш жараёнлари олинган.

Тадқиқотнинг предметини талабаларда шахс ва жамият манфаатлари уйғунлигини таъминлашга оид билимларни шакллантириш мазмуни, шакли ва методлари ташкил қилади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда педагогик кузатув, суҳбат, моделлаштириш, лойиҳалаштириш, ташхис, педагогик тажриба-синов, маълумотларни мужассамлаштириш, таққослаш, солиштириш, эксперт баҳолаш, умумлаштириш ва статистик ишлов бериш усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

олий таълим муассасалари талабаларида шахс ва жамият манфаатлари уйғунлигини таъминлашга оид билимларни индивидуал ва коллегиял ёндашув орқали шакллантириш жараёнининг (аксиологик, коммуникатив ва ретроспективлик) педагогик жиҳатлари аниқлаштирилган;

талабаларда шахс ва жамият манфаатлари уйғунлигини таъминлашга оид билимларни шакллантириш жараёни детерминантларининг коррекцион – функционал интеграцияси иерархик тизим асосида такомиллаштирилган;

талабаларда шахс ва жамият манфаатлари уйғунлигини таъминлашга оид билим, кўникмаларни шакллантиришга хизмат қилувчи “жамият – шахс – билим – ҳаёт – амалиёт” интеграцияси тамойилини татбиқ этиш механизмлари ВМИН (вазифа-манфаат-имконият-натижа) технологияси орқали такомиллаштирилган;

“Диалектик ёндашув” ва “Прагматик фикрлаш” таълим технологияларини жорий этиш механизмлари асосида талабаларга ижтимоий муносабатлар моҳияти, манфаатлар тўқнашуви ва уларни юзага келтирувчи сабабларни ўргатишнинг педагогик модели футурологик усул ёрдамида ижтимоий вазиятларни башоратлаш, визуализациялаш, абстрактлаштириш кўникмаларни шакллантиришга йўналтириш орқали ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

талабаларда шахс ва жамият манфаатлари уйғунлигини таъминлашга оид билимларни шакллантириш, ривожлантириш мезонлари ва кўрсаткичлари ишлаб чиқилган ҳамда эмпирик баҳолаш самарадорлиги аниқланган;

талабаларда шахс ва жамият манфаатлари уйғунлигини таъминлашга оид билимларни шакллантириш ва ривожлантиришга доир мустақил таълимни ташкил этиш методикаси такомиллаштирилган;

талабаларда шахс ва жамият манфаатлари муштараклигини таъминлашда ҳуқуқ таълими ва ижтимоий-гуманитар фанларнинг

интеграцияси асосида тизимли фойдаланишга қаратилган педагогик модел ишлаб чиқилган;

илғор хорижий тажрибалар асосида шахс ва жамият манфаатлари уйғунлигига оид Америка Қўшма Штатлари ва Япония тажрибаси ўрганилган ҳамда улар асосида ҳуқуқшунослик фанини ўқитишнинг интерфаол методлари такомиллаштирилган ва амалиётга жорий этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда педагогик, психологик ва ҳуқуқий таълим концепцияси, методологияси (ўқитишнинг устувор тамойиллари, талабаларнинг ўқув-билиш фаолияти мазмуни, касбий тайёрлаш жараёнини ташкил қилиш)га тизимли, мажмуавий ва инновацион ёндашилганлиги, педагогик, психологик, ҳуқуқий ва методик йўналишдаги маҳаллий ҳамда хорижий тажриба, тадқиқотлар натижаларига таянилганлиги, ўзаро бир-бирини тўлдириб боровчи илмий-педагогик методлардан фойдаланилганлиги, миқдор ҳамда сифат жиҳатидан таъминланганлиги; олинган натижаларнинг ишончли математик-статистик метод (Стьюдент-Фишер методи) воситасида асосланганлиги ҳамда ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти олий таълим муассасалари талабаларида шахс ва жамият манфаатлари уйғунлигини таъминлашга оид билимларни шакллантириш мазмуни, назарий-методологик ва амалий-методик асослари, босқичлари, омилларининг аниқланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти талабаларда шахс ва жамият манфаатлари уйғунлигини таъминлашга оид билимларни шакллантиришга хизмат қилувчи дидактик таъминотнинг бойитилганлиги, уларнинг фаол фуқаролик дунёқарашга эга бўлишлари учун зарурий сифатлар таснифи ишлаб чиқилганлиги, ҳуқуқий фанлардан билимини оширишга қаратилган амалий-методик тавсияларнинг илгари сурилганлиги ҳамда эришилган натижалар олий таълим муассасаларида гуманитар фанларни ўқитишда самарали натижаларни қўлга киритишга хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Олий таълим муассасаси талабаларида шахс ва жамият манфаатлари уйғунлигини таъминлашга оид билимларни шакллантириш технологиясини такомиллаштириш бўйича олинган тадқиқот натижалари асосида:

олий таълим муассасалари талабаларида шахс ва жамият манфаатлари уйғунлигини таъминлашга оид билимларни индивидуал ва коллегиял ёндашув орқали шакллантириш жараёнининг (аксиологик, коммуникатив ва ретроспективлик) педагогик жиҳатлари аниқлаштиришга оид таклифлардан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Фан ва Технологиялар агентлиги томонидан тақдим этилган ОТ-Ф-1-100 рақамли “Имконияти чекланган болалар ижтимоий-маданий фаолиятининг бадиий-ижодиёт воситалари асосида назарий ва амалий такомиллашуви” мавзусидаги лойиҳа доирасида 2017 йилда “Фарғона” нашриёти томонидан нашр этилган “Шахс ва кадриятлар диалектикаси” номли монографиянинг “Шахс маънавий

хаётида кадриятларнинг ўрни” номли параграфини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 22 сентябрдаги 89-03-3446 сон маълумотномаси). Натижада, олий таълим муассасалари талабаларида шахс ва жамият манфаатлари уйғунлигига оид билимларни шакллантириш индивидуал ва коллегиял ёндашув орқали аниқлаштирилган;

талабаларда шахс ва жамият манфаатлари уйғунлигини таъминлашга оид билимларни шакллантириш жараёни детерминантларининг коррекцион – функционал интеграцияси иерархик тизим асосида такомиллаштиришга доир таклифлардан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 31 декабрдаги 1059-сон Қарори билан тасдиқланган “Узлуксиз маънавий тарбия концепциясини амалга ошириш чора-тадбирлари режаси” ижросини таъминлашга қаратилган Назорат режасининг “Ўрта махсус касб-хунар ва олий таълим тизими ишлаб чиқаришда фаолият кўрсатаётган ва банд бўлмаган ёшлар ўртасида маънавий тарбияни амалга ошириш” номли IV бўлимининг 12 (48) бандида белгиланган “Ёшларнинг келажакка ишончи, мустақил фикрлаш ва қарор қабул қилишни шахснинг устивор хусусияти сифатида мустаҳкамлаш, мамлакатда олиб борилаётган ислохотларга дахлдорлик туйғусини кучайтиришга қаратилган тренинглар ишлаб чиқиш ҳамда маҳаллалар ва таълим муассасаларида жорий қилиш” доирасидаги вазифаларнинг Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи томонидан ижросини таъминлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи Марказий Кенгашининг 2020 йил 29 сентябрдаги 04-13/2389-сон далолатномаси). Натижада, талабаларда шахс ва жамият манфаатлари уйғунлигини таъминлашга оид билимларни шакллантириш йўллари коррекцион-функционал тизими иерархик тизим асосида такомиллаштирилган;

талабаларда шахс ва жамият манфаатлари уйғунлигини таъминлашга оид билим, кўникмаларни шакллантиришга хизмат қилувчи “жамият – шахс – билим – ҳаёт – амалиёт” интеграцияси тамойилини татбиқ этиш механизмлари ВМИН (вазифа-манфаат-имконият-натижа) технологияси орқали такомиллаштиришга доир таклифлардан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 майдаги “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4307-сонли Қарор дастурининг “Мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар, қабул қилинаётган қонун ҳужжатларининг мазмун ва моҳиятини аҳолининг кенг қатламларига етказишга қаратилган тарғибот тадбирлари” номли II бобининг “Жамиятда фаол фуқаролик позициясининг шаклланиши ҳолати, турли соҳаларда олиб борилаётган ислохотларнинг аҳоли турмуш тарзига таъсирини ўрганиш мақсадида “Ижтимоий ривожланиш ва дахлдорлик туйғуси” мавзусида ижтимоий тармоқлар орқали аҳоли ўртасида социологик тадқиқотлар ўтказиш ва натижалари асосида таҳлилий материаллар тайёрлаш” номли 7-бандининг ижросини таъминлаш бўйича 2019-2020 йиллардаги Республика Маънавият ва маърифат маркази Наманган вилоят бўлими тадбирлар режасининг методик асосларини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Республика Маънавият

ва маърифат марказининг 2020 йил 13 ноябрдаги 02/07-974-сон маълумотномаси). Натижада, талабаларда шахс ва жамият манфаатлари уйғунлигини таъминлашга оид билим, кўникмаларни шакллантириш интеграцияси тамойилини татбиқ этиш механизмлари ВМИН (вазифа-манфаат-имконият-натижа) орқали такомиллаштирилган;

“Диалектик ёндашув” ва “Прагматик фикрлаш” таълим технологияларини жорий этиш механизмлари асосида талабаларга ижтимоий муносабатлар моҳияти, манфаатлар тўқнашуви ва уларни юзага келтирувчи сабабларни ўргатишнинг педагогик модели футурологик усул ёрдамида ижтимоий вазиятларни башоратлаш, визуализациялаш, абстрактлаштириш кўникмаларни шакллантиришга йўналтириш орқали ишлаб чиқишга оид таклифлардан 2018-2020 йилларга мўлжалланган Давлат илмий-техника дастурлари доирасидаги ПЗ-20170930223 - рақамли “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни ривожлантиришда ёшлар ижтимоий фаоллигини ошириш механизмини такомиллаштириш” мавзусидаги амалий тадқиқот лойиҳасини амалга ошириш бўйича 2019-2020 йилларга белгиланган вазифаларни бажаришда, шунингдек, лойиҳа доирасида яратилган “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни ривожлантиришда ёшлар ижтимоий фаоллигини оширишнинг такомиллашган механизми” номли монографияни тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 20 ноябрдаги 89-03-4860-сон маълумотномаси). Натижада, талабаларда ижтимоий муносабатларнинг моҳияти, манфаатлар тўқнашуви ва уларни юзага келтирувчи сабабларни ўргатишнинг педагогик модели футурологик усул ёрдамида ижтимоий вазиятларни башоратлаш, визуализациялаш, абстрактлаштириш кўникмаларни шакллантиришга йўналтириш орқали ишлаб чиқишга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 5 та илмий-амалий анжуман, шу жумладан, 2 та республика ва 3 та халқаро конференцияда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, шулардан 3 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, 3 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 127 саҳифани ташкил этади.


ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси баён этилган, тадқиқот ишининг мақсад, вазифалари, объекти ва предмети аниқланган, тадқиқотнинг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларга мослиги ва

тадқиқотнинг илмий янгилиги, натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, эълон қилинганлиги, тадқиқот ишининг тузилиши ҳақида маълумотлар киритилган.

Диссертациянинг **“Талабаларда шахс ва жамият манфаатлари уйғунлигини таъминлашга оид билимларни шакллантиришнинг илмий-методологик асослари”** деб номланган биринчи бобида талабаларда шахс ва жамият манфаатлари уйғунлигини таъминлашга оид билимларни шакллантиришнинг ижтимоий-тарихий анъаналари ҳамда замонавий ёндашувлар, мавжуд ҳолати, мазмуни ва асосий босқичлари тадқиқ этилган. Бу орқали бўлажак кадрларда ватанпарварлик, меҳнатсеварлик, ҳалоллик каби ахлоқий фазилатларни шакллантириш ва фаол, ташаббускор, масъулиятли шахсларни тарбиялашнинг педагогик вазибалари таҳлил қилинган.

Талабаларда шахс ва жамият манфаатлари уйғунлигини таъминлашга оид билимларни ривожлантиришда шахсга йўналтирилган таълим технологиясидан рационал фойдаланиш муҳим ҳисобланади. Шахсга йўналтирилган таълим технологияси орқали талабаларда шахс мақоми сифатларини, ҳуқуқини, кадрини, дунёқарашини, тафаккурини ва энг муҳими масъулиятини англатиш мумкин. Шундай экан, шахсга йўналтирилган таълим технологияси орқали бўлажак кадрларда жамият манфаатлари йўлидан бориш орқали шахсий манфаатларга ҳам эришиш мумкинлигига сингдирилишига алоҳида эътибор қаратилиши лозим. Бугун мамлакатимиз олий таълим тизимида кечаётган ислохотлар замирида халқ бирдамлигини яратиш, миллатлараро ҳамжиҳатликни таъминлаш ётибди.



1-расм.Талабаларда шахс ва жамият манфаатлари уйғунлигига оид билимларни шакллантирувчи омиллар

Талабаларда шахс ва жамият манфаатлари уйғунлигини таъминлашга доир билимларини ўстиришнинг педагогик мазмунини қуйидагилар ташкил этади:

Биринчидан, талабаларда шахс ва жамият муносабатларини таҳлил қилувчи ва ўргатувчи, ҳуқуқий дунёқараш ва ҳуқуқий маданиятни ривожлантиришга қаратилган педагогик жараён ҳисобланади. “Социология” ва “Сиёсатшунослик” фанлари орқали талабалар шахс ва жамият муносабатларининг конституцион, институционал асослари ўрганилса, “Фалсафа” фани орқали шахс ва жамият муносабатлари, манфаатлари муштараклигининг тарихий-фалсафий кўринишлари⁷, ижтимоий-фалсафий жиҳатлари ўргатилади.

Иккинчидан, олий таълим тизимидаги “Иқтисодиёт назарияси” ва “Кичик бизнес асослари” ва бошқа иқтисодий фанлар орқали жамият ва шахс манфаатлари муштараклигининг иқтисодий асослари ва қонуниятлари ўргатилади. Бу орқали талабаларда иқтисодий муносабатларнинг аҳамияти, иқтисодий ўзгаришларнинг шахс манфаатларига таъсирига доир шахсий ёндашуви шакллантирилади. (2- расмга қаранг).



2-расм. Талабаларда шахс ва жамият манфаатлари уйғунлигига оид билимларни шакллантиришда фуқаролик дунёқарашга эга бўлишлари учун зарурий сифатлар таснифи

Олий таълим тизимида шахс ва жамият муносабатлари, эҳтиёжлари ва манфаатлари муштараклигини ўргатишга оид ўқув адабиётларининг мавжуд эмаслиги ва мавжудлари ҳам фойдаланишга яроқсиз эканлиги билан боғлиқ. Шахс ва жамият муносабатлари ва манфаатлари уйғунлигига оид манбаларнинг мавжуд эмаслиги, унга доир тадқиқотларнинг олиб борлимаётганлиги ва молиялаштирилмаётганлиги ҳам шахс ва жамият манфаатлари уйғунлигини таъминлашга оид билимларни ўстиришдаги

⁷Shermuxamedova N. Falsafava fan metodologiyasi. –Toshkent: Aloqachi. 2008. –B. 123.

мавжул ҳолатнинг қониқарли эмаслигини англатади. Умуман олганда нафақат ижтимоий муаммоларга бағишланган, бошқа соҳалар ва фанларни ўқитишга доир ўқув адабиётларнинг ҳам мавжуд эмаслиги, борлари ҳам эскилиги, ривожланган давлатларнинг салоҳиятли олий таълим муассасалари томонидан нашр этилаётган ўқув адабиётлар ва манбаларнинг ҳам йўқлиги маълум бўлади.

Шундай қилиб, талабалар дунёқарашида шахс ва жамият манфаатлари уйғунлигини тўғри англамаслик, бирини инкор этиш, индивидуал манфаатлар ортидан қувиш орқали ватан манфаатларини унутиш билан боғлиқ салбий ҳолатларнинг юзага келишига ҳам таълим тизимидаги маърифат алмашинув жараёнининг тўғри ташкил этилмаганлиги асосий сабаблардан биридир.

Диссертациянинг **“Талабаларда шахс ва жамият манфаатлари уйғунлигини таъминлашга оид билимларни шакллантиришнинг методик таъминоти”** деб номланган иккинчи бобида талабаларда шахс ва жамият манфаатлари уйғунлигини таъминлашга оид билимларни шакллантириш бўйича хорижий тажрибалар, ижтимоий-гуманитар фанлардан самарали фойдаланишнинг методик асослари ва инновацион таълим технологиялари ҳамда уларни такомиллаштириш йўллари тадқиқ қилинган.

Фикримизча, бугунги кунда Ўзбекистонда ҳам ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий соҳаларда ислохотлар жадаллик билан олиб борилмоқда. Шахс ва жамият манфаатлари уйғунлигини таъминлашга доир маънавий-маърифий ва сиёсий-ҳуқуқий ислохотлар ҳам ушбу жараённинг бир қисми сифатида баҳоланмоқда. Айниқса, “бутун дунёда мураккаб ва таҳликали вазият ҳукм сураётган ҳозирги вақтда ёшлар ҳаётига таҳдид солаётган хавф-хатарларни олдини олиш, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш”⁸да таълим-тарбиянинг аҳамияти беқиёс эканлиги маълум бўлмоқда.

Ривожланган давлатларда шахс ва жамият манфаатлари уйғунлиги ўзига хос талқин қилинади ва таълим тизимида, тарбиявий ишларда манфаатлар муштараклигини таъминлашга махсус методология асосида ёндашилади. Шунинг учун шахс ва жамият манфаатлари муштараклигини ёшларга намунали қилиб сингдираётган ва ўрнатилган ривожланган давлатлардан АҚШ ва Япония давлатларининг тажрибасини таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ бўлади.


Япония тажрибаси. Японларда шахс ва жамият манфаатлари уйғунлиги ғояси болалиқдан сингдирилади ва ҳатто таълим жараёнида ҳам ушбу ёндашув муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Унга кўра, асрлар давомида япониялик инсон жамият-жамоага қарашли ҳисобланади. Япон таълим-тарбия фалсафасига кўра, жамоавий қизиқишлар барча нарсадан устун ҳисобланди. Шахс эса оғир механизмнинг бир бўлакчаси бўлиб, агар бир инсон жамоада ўз ўрнини топа олмаса, демак, у эътибордан қолган одам

⁸Мирзиёев Ш.М. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. –Тошкент: Ўзбекистон, 2019. –Б. 356.

саналади. Олий таълим тизимида ҳам талабалар умумий манфаатлар бирлиги руҳида ўқитилади. Япония таълим тизимидаги талабаларнинг шахс ва жамият манфаатлари муштараклиги англашлари ва шу асосда ҳаракат қилишларининг илдизи бошланғич таълимга бориб тақалади. Япония таълим тизимида бошланғич синфларда асосий эътибор тарбияга қаратилади: болалар инсонлар ва жониворларга ҳурмат билан муносабатда бўлиш, бағрикенглик, бировнинг дардига шерик бўлиш, ҳақиқатпарварлик, ўз-ўзини назорат қилиш ва табиатга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга ўргатилади. Бу тамойиллар йиллар давомида япон ёшларига таълим ва тарбия уйғунлигида сингдирилади. Натижада япон ёшларида шахсий манфаатлардан жамоавий манфаатларни устун қўйиш характери шаклланади. Бошланғич таълимдаги бошқа бир ўзига хослик шундаки, япон мактабларида фаррошлар бўлмайди. Синф хоналарни талабаларни ўзлари тозалайди. “Шу тариқа болалар жамоада ишлаш ва бир-бирига ёрдам беришни ўрганишади. Талабалар тозалаш ишларини ўзлари бажаргандан кейин хоналарни ифлослантиришмаса керак. Бу уларни бошқалар меҳнатини ҳурмат қилиш ва атроф-муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга ўргатади”. Мана шундай методология орқали япон педагогикасида ёшларга манфаатлар уйғунлиги, мақсадлар бирлиги ғоялари сингдирилади.

Америка Қўшма Штатлари тажрибаси. Ушбу давлатнинг таълим тизимидаги ўзига хос ёндашуви ҳар доим ривожланаётган давлатларда қизиқиш уйғотиб келган. Либерал қарашлар ва ёндашувлар ҳукмрон бўлган ушбу мамлакатда ислохотлар орқали ўзгаришлар қилиш мамлакат тараққиётининг асоси ҳисобланади. Таълим тизимида ҳам либерал қарашлар ва демократик бошқарувнинг олиб кирилиши кучли ва рақобатбардош кадрлар тайёрлаш тизимини яратиб берди. Бугунги кунда ушбу мамлакатда ҳам миллий сиёсат таъсирида талабаларда миллий бирликни шакллантириш, ягона ватан ҳиссини уйғотиш, гуруҳбозлик, миллатчилик, ирқчилик ва маҳаллийчилик каби ғояларни кучайиб кетмаслиги, жамият барқарорлигига салбий таъсир кўрсатмаслиги учун таълим тизимида ҳам шахс ва жамият манфаатлари уйғунлигини, мақсадлар муштараклигини, эҳтиёжларнинг бирлигини ўргатиш масалалари долзарблик касб этмоқда. Шу боис ушбу давлатнинг таълим тизимида ҳам ижтимоий-иқтисодий фанларни ўқитишда “Прагматизм методикаси”дан унумли фойдаланиш, талабаларга шахсий манфаатлар ва жамият манфаатлари муштараклигини ўргатиш, махсус билимлар ҳосил қилишга доир педагогик жараёнлар жадаллик билан олиб борилмоқда. Бу орқали турфа хил миллатлар, ирқлар яшайдиган мамлакатда миллий бирдамлик, ватанпарварлик ва меҳнатсеварлик ҳиссини ўстириш мақсад қилинмоқда. Америкача либерал педагогикада эҳтиёжлар манфаатни, манфаат эса мақсадни белгилаб беради.

Шахс ва жамият манфаатлари муштараклигини талабаларга рационал тарзда сингдираётган ривожланган давлатлардан АҚШ ва Япония давлатларининг тажрибасини таҳлил қилиш орқали юртимиздаги таълим тизимида қўллаш мумкин бўлган ўқитиш методикаси ишлаб чиқилди.



3-расм. Талабаларда шахс ва жамият манфаатлари уйғунлигига оид билимларни шакллантиришнинг педагогик модели

Ушбу методика шахс ва жамият манфаатлари уйғунлигини таъминлашга оид билимларни шакллантиришга йўналтирилган “Диалектик ёндашув” ва “Прагматик фикрлаш” таълим технологияси асосида талабаларга ижтимоий муносабатларнинг моҳияти, манфаатлар тўқнашуви ва уларни юзага келтирувчи сабабларни ўргатишнинг педагогик методикаси яратилди.

Унга кўра олий таълим муассасаларида ўқитиладиган ҳуқуқшунослик ва бошқа ижтимоий-гуманитар фанлар ўртасида тизимли фанлараро интеграцияни йўлга қўйиш ва таълим бериш методикасини “Диалектик ёндашув” методикасига ўзгартириш талаб этилади. Яъни талабаларга шахс ва жамият манфаатлари диалектикасини, манфаатлар, эҳтиёжлар диалектикасини ҳар бир фан мисолида тушунтириш ва ҳаётий мисоллар орқали маълум кўникмаларни шакллантиришга қаратилиши зарур. Бу орқали талабаларда манфаатлар уйғунлигига оид билимлар шаклланади.

Талабаларга манфаатлар диалектикасини, яъни муносабатлар манфаатларга асосланиши, манфаатлар эҳтиёжларга асосланиши ва эҳтиёжлар уйғунликда рўёбга чиқишини аниқ кейслар орқали тушунтирилиши бугунги куннинг муҳим масаласидир. Шу боис, бугунги кунда олий таълимга шундай ёндашувларни олиб кириш долзарб вазифадир.

Олий таълим муассасалари талабаларида “прагматик фикрлаш”ни шакллантириш талаб этилади. Талабаларда шахс ва жамият манфаатлари уйғунлиги борасида прагматик фикрлаш, (яъни манфаатлар кураши зиддиятга, низоларга асос бўлмаслиги, соғлом рақобат, ҳамкорлик, муштарак фаолиятни юзага келтириши) анъанавий фикрлашни тубдан ўзгартирган ҳолда шакллантирилишини англатади.

Мазкур диссертация доирасида илгари сурилган шахс ва жамият муносабатлари ва манфаатлари уйғунлигига диалектик ёндашув ва бунини таъминлаш учун талабаларда шакллантиришга қаратилагн прагматистик фикрлаш методи ва бу асосда ишлаб чиқилган методика бугунги кун таълим жараёнининг халқаро талабларига тўлиқ жавоб беради деб айтиш мумкин.

Диссертациянинг учинчи боби **“Талабаларда шахс ва жамият манфаатлари уйғунлигини таъминлашга оид билимларни шакллантиришга доир тажриба-синов ишларининг мазмуни”** деб номланади. Мазкур бобда талабаларда шахс ва жамият манфаатлари уйғунлигини таъминлашга қаратилган педагогик жараённинг самарали метод ва воситалари педагогик амалиётда синаб кўрилган ва тажрибадан ўтказилган.

Тадқиқот ишининг энг муҳим босқичи уни амалиётда синаб кўриш ҳисобланади. Ҳар қандай назария албатта амалиётда ўз тасдиғини топмоғи лозим. Ҳар бир тадқиқот ишининг илмий фарази ҳам амалиётда синалади ва натижалари таҳлил қилинади. Диссертациядаги назарий фараз билан тажриба асосида келиб чиққан илмий фаразнинг қанчалик яқинлиги тадқиқот ишининг тўғрилиги, мақсаднинг аниқлиги ва методологиянинг тўғри танланганлигига боғлиқ бўлади. Олий таълим муассасаларида шахс ва жамият манфаатлари уйғунлигига оид билимларни ошириш учун педагогик

жараёни ўқитиш бўйича тажриба-синов ишларини ташкил қилиш дастури ишлаб чиқилди.

Тажриба-синов ишларининг умумий мақсади талабаларда шахс ва жамият манфаатлари уйғунлигига оид билимларни оширишнинг самарали метод ва воситаларини педагогик амалиётда синаб кўришдан иборат.

Тажриба-синов бошланишида билим даражаларининг яқинлиги мезони асосида олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган талабалар гуруҳларидан танланма усул билан тажриба-синов учун тажриба гуруҳларида 544 нафар, назорат гуруҳларида 548 нафар қатнашчининг натижалари таҳлил қилинди.

Талабаларнинг шахс ва жамият манфаатлари уйғунлигини таъминлашга оид билимларини ривожлантириш уларнинг ижтимоий фаолигини, мустақиллигини ва ахлоқийлик даражасини маълум даражада ошишига олиб келади. Биз бу ҳолатларни аниқлаш учун М.И.Рожковнинг ижтимоийлашиш даражасини аниқловчи методикасидан фойдаландик ва талабаларнинг ижтимоийлашганлик даражасини аниқладик.

Тажриба-синов ишларида тадқиқот ишида белгилаб олинган мақсадни амалга ошириш учун ўқув йилининг бошида талабаларда шахс ва жамият манфаатлари уйғунлигига оид билимларнинг дастлабки ҳолатини аниқлаш учун тегишли ўқув фанларига оид тест топшириқлари тузилди. Эксперимент ўтказиш учун Қўқон давлат педагогика институти, Андижон давлат университети ва Наманган давлат университети танлаб олинди. Мониторинг жараёнига биринчи ва тўртинчи курс Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими йўналиши талабалари жалб қилинди. Сўровномаларда 1092 нафар талабалар қатнашди.

1-жадвал

Тажриба аввалида тажриба гуруҳининг умумий кўрсаткичлари.

ОТМ номи	Курс	Талабалар сони	Юқори	%	Ўрта	%	Паст	%	Сумма %
Наманган давлат университети	I	184	54	29	112	61	18	10	100.0
	IV	184	60	32	110	60	14	8	100.0
Андижон давлат университети	I	182	82	45	82	45	18	10	100.0
	IV	182	80	44	86	47	16	9	100.0
Қўқон давлат педагогика институти	I	180	72	40	94	52	14	8	100.0
	IV	180	74	41	90	50	16	9	100.0
Жами		1092	422	38	574	52	96	10	100.0

Тажриба-синов ишлари аввалидаги назорат гуруҳлари натижалари 2-жадвалда акс эттирилган.

Тажриба аввалида назорат гуруҳининг умумий кўрсаткичлари

ОТМ номи	Курс	Талабалар сони	Юқори	%	Ўрта	%	Паст	%	Сумма %
Наманган давлат университети	I	182	40	22	84	46	58	32	100.0
	IV	182	38	21	88	48	56	31	100.0
Андижон давлат университети	I	182	44	24	88	48	50	26	100.0
	IV	182	34	19	90	49	58	32	100.0
Қўқон давлат педагогика институти	I	176	56	32	78	44	42	26	100.0
	IV	176	48	27	84	47	44	26	100.0
Жами		1080	260	24	512	47	308	29	100.0

Тажриба аввалидаги натижаларумумлаштирилиб, қуйидаги жадвал кўринишида тақдим этилди (3-жадвалгақаранг)

Талабаларнинг шахс ва жамият манфаатлари уйғунлигини таъминлашга оид билим ва кўникмаларининг ривожланганлик даражасининг динамик ўсиши

Тажриба синов босқичи	Тажриба гуруҳи (1092 нафар респондент)			Назорат гуруҳи (1080 нафар респондент)		
	Паст	Ўрта	Юқори	Паст	Ўрта	Юқори
Тажриба аввалида	96	574	422	308	512	260
Фоизларда	9	52	39	29	47	24

Олинган натижани қуйидаги диаграммада ифодалаймиз:



Тажриба-синов ишлари натижасида талабаларнинг шахс ва жамият манфаатлари уйғунлигини таъминлашга оид билимларини ўзлаштириш

кўрсаткичлари юқорилашиб 24 % дан 39% га кўтарилди, ўртадаги фарк 15% ни ташкил қилди.

Олинган сонли маълумотларни Стъюдент-Фишер критерияси асосида математик-статистик таҳлилини ўтказамиз. Бунда математик-статистик таҳлил қилиш учун ўртача умумий қиймат олинди. Тажриба гуруҳларида қўлланилган тренерлик дастурлари, методик тизимдан фойдаланиш синов методикаси самарадор бўлиб, ўтказилган тажриба-синов таҳлиллари уни республикамиз олий таълим муассасалари миқёсида оммалаштириш мумкинлигига асос яратади.

Тажриба-синов ишларининг сифат кўрсаткичлари қуйидагича ҳисобланди.

Бизга маълум $\bar{X} = 4,3$; $\bar{Y} = 3,85$; $\delta_n = 0,14$; $\delta_m = 0,18$ га тенг.

Бундан сифат кўрсаткичлари:

$$K_{yco} = \frac{(\bar{X} - \delta_n)}{(\bar{Y} + \delta_m)} = \frac{4,3 - 0,14}{3,85 + 0,18} = \frac{4,16}{3,67} = 1,13 > 1;$$

$$K_{oob} = (\bar{X} - \delta_n) - (\bar{Y} - \delta_m) = (4,3 - 0,14) - (3,85 - 0,18) = 4,16 - 3,67 = 0,49 > 0;$$

Олинган натижалардан ўқитиш самарадорлигини баҳолаш мезони бирдан катталиги ($K_{yco} = 1,13 > 1$) ва билиш даражасини баҳолаш мезони нолдан катталигини ($K_{oob} = 0,49 > 0$) кўриш мумкин. Бундан маълумки, тажриба гуруҳи кўрсаткичлари назорат гуруҳидагилардан юқори экан. Демак, талабаларнинг тадқиқотчилик кўникмаларини шакллантириш бўйича яратилган механизмни қўллашда яхши натижага эришилгани тажриба-синов натижаларидан яққол кўриниб турибди.

Ушбу ўзлаштириш кўрсаткичларини фоизларда ҳисоблаймиз:

$$\frac{\bar{X}}{3} \cdot 100\% - \frac{\bar{Y}}{3} \cdot 100\% = \frac{4,3}{3} \cdot 100 - \frac{3,85}{3} \cdot 100 = \frac{45}{3} = 15 \%$$

Юқорида олиб борилган статистик таҳлиллardan хулоса қилиб шунини айтиш мумкинки, тажриба гуруҳларида синов методикаси самарадор бўлиб, ўтказилган тажриба-синов таҳлиллари уни республикамиз олий таълим муассасаларида оммалаштириш мумкинлигига асос яратади.

ХУЛОСА

Олий таълим муассасалари талабаларида шахс ва жамият манфаатлари уйғунлигини таъминлашга оид билимларни шакллантириш йўллари бўйича тадқиқот натижалари асосида қуйидаги хулосалар чиқарилди:

1. Талабаларда шахс ва жамият манфаатлари уйғунлигини таъминлашга оид билимларни шакллантириш орқали бўлажак кадрларда фидойилик, ватанпарварлик, меҳнатсеварлик, ҳалоллик каби ахлоқий фазилатларни шакллантириш ва ижтимоий фаол, ташаббускор, масъулиятли шахсларни тарбиялаш имконияти яратилади.

2. Талабаларда шахс ва жамият манфаатлари уйғунлигини таъминлашга оид билимларни юксалтириш орқали жамиятнинг янги тараққиёт босқичида ижтимоий-иқтисодий ислохотларининг пировард

мақсади халқ хоҳиш-иродасини ифода этиш эканлигини чуқур сингдириш; уларнинг сиёсий-ҳуқуқий онгини ўстиришга қаратилган дарс машғулотларини ташкил этиш самара беради.

3. Ўзбекистон олий таълим тизимида шахс ва жамият манфаатлари муштараклигини талабаларга ўргатишга қаратилган ижтимоий-гуманитар фанларнинг эскича методология асосида олиб борилиши ва фанлараро ҳамкорликнинг мавжуд эмаслиги очиб берилди. Талабалар дунёқарашда шахс ва жамият манфаатлари уйғунлигини тўғри англамаслик, бирини инкор этиш, индивидуал манфаатлар ортидан қувиш орқали ватан манфаатларини унутиш билан боғлиқ салбий ҳолатларнинг юзага келишига ҳам таълим тизимидаги маърифат алмашинув жараёнининг тўғри ташкил этилмаганлиги билан боғлиқлиги келиб чиқади.

4. Талабаларда шахс ва жамият манфаатлари уйғунлигига оид билимларни шакллантиришдаги муҳим вазифа уларни прагматик фикрлашга йўналтириш орқали ижтимоий фаоллаштириш мумкинлигидан келиб чиқди. Шунингдек, ривожланган давлатларнинг жамият манфаатларини ёшларга сингдиришдаги прагматик фикрлаш методикасини тадқиқ этиш зарурлигини тақазо этади.

5. Тадқиқот жараёнида “Диалектик ёндашув” ва “Прагматик фикрлаш” каби инновацион технологияларнинг такомиллаштирилиши талабаларда шахс ва жамият манфаатлари уйғунлигига оид билимларни шакллантиришда қутилган натижаларга эришиш мумкинлигини исботлади.

Тадқиқот натижалари асосида қуйидаги **тавсиялар** ишлаб чиқилди:

1. Талабаларда шахс ва жамият манфаатлари уйғунлигига оид билимларни шакллантириш жараёнининг самарали ташкил этилишида педагогик амалиётга “Ҳуқуқий саводхонлик соатлари”ни жорий қилиш мақсадга мувофиқ.

2. Узлуксиз таълим тизимида ижтимоий гуманитар фанлар ўқув дастурларига шахс ва жамият манфаатлари уйғунлигига оид билимларни ривожлантиришга хизмат қиладиган мавзуларни киритиш зарур.

3. Талабаларда шахс ва жамият манфаатлари уйғунлигига оид билимларни шакллантириш бўйича ўқув-услубий қўлланма ва кўрсатмаларни, ўқув қўлланма, дарсликлар нашр этишни ва тизимли янгилаб боришни йўлга қўйиш, хорижий адабиётларни таржима қилиш ҳамда чоп этишга жиддий эътибор қаратиш керак.

4. Олий таълим муассасаларининг ёшлар билан ишлаш бўлими фаолиятида ва турли мавзуларда ташкил этиладиган маънавий-маърифий тадбирларда шахс ва жамият манфаатлари муштараклиги борасидаги мотивацион маърузаларда самарали фойдаланиш лозим.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ № PhD.03/04.06.2020.Ped.76.02 ПО
ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ НАМАНГАНСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

НАМАНГАНСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

БАННАЕВ НУРМУХАММАД ТОШМАМАТОВИЧ

**СПОСОБЫ ФОРМИРОВАНИЯ ЗНАНИЙ О ГАРМОНИЗАЦИИ
ИНТЕРЕСОВ ЛИЧНОСТИ И ОБЩЕСТВА У СТУДЕНТОВ ВЫСШИХ
ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ УЧРЕЖДЕНИЙ
(На примере преподавания права)**

13.00.02 – Теория и практика образования и воспитания (права)

**АВТОРЕФЕРАТ
диссертации доктора философии (PhD) по ПЕДАГОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Наманган – 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан за B2019.2.PhD/Ped949

Диссертация выполнена в Наманганском государственном университете

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещён на веб-сайте Научного совета (www.namdu.uz) и Информационно-образовательном портале «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель: Хашимова Маъсуда Камилжановна
кандидат педагогических наук доцент

Официальные оппоненты: Юсупова Шохидахон Жалолиддиновна
доктор педагогических наук, доцент
Топилдиев Бахромжон Рахимжонович
доктор юридических наук, профессор


Ведущая организация: Самаркандский государственный университет


Защита диссертации состоится на заседании Научного совета № PhD.03/04.06.2020.Ped.76.02 при Наманганском государственном университете «22 09 2021 года в 14⁰⁰ часов. (Адрес: 160119, город Наманган, улица Бобуршоҳ, дом № 161. Тел.: (+99869) 228-85-01; факс: (+99869) 228-85-02; e-mail: info@namdu.uz.)


С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Наманганского государственного университета (зарегистрирована за № 3). (Адрес: 160119, город Наманган, улица Уйчи, дом № 316. Тел.: (99869) 227-29-81)).

Автореферат диссертации разослан «9» 09 2021 года.
(реестра протокол № 3 от «9» 09 2021 года).




Т. Файзуллаев
Председатель научного совета
по присуждению учёных
степеней, д. с. н., профессор


Ш. К. Хужамбердиева
Учёный секретарь научного совета по
присуждению учёных
степеней, доктор философии
по пед. наукам (PhD)


К. М. Боймирзаев
Председатель научного семинара
при научном совете по присуждению
учёных степеней, д. г. н. (DSc), доцент

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В третьем тысячелетии в мире регулирование общественных отношений, контроль конфликта интересов, обеспечение общих интересов личности и общества становится одной из самых сложных задач. Таким образом, у государств и международных организаций растет потребность в разработке современных подходов и планов действий для обеспечения социальной стабильности на основе сочетания интересов. В то же время изучение современных способов обеспечения гармонии интересов личности и общества в системе высшего образования развитых стран мира посредством фундаментальных исследований дает возможность предотвратить и устранить многие социальные проблемы, конфликты в национальных и религиозных отношениях. В особенности у молодежи знания, мышление и широкий взгляд на общие интересы возникают в процессе принятия решений, основанном на правосознании и культуре, активной гражданской позиции, качествах долга, ответственности, преданности и верности.

В ведущих научно-исследовательских институтах и центрах мира⁹ проводится множество научных исследований по регулированию национальных и общечеловеческих отношений, обеспечивающих общие интересы личности и общества. В них исследуются вопросы изучения интересов и потребностей одной нации без отрыва от других, возможность воспитания молодёжи в духе патриотизма и интернационализма. Поэтому в развитых странах мира ставится целью создание новой формы и норм отношений личности и общества, разработка технологий и совершенствования методики преподавания дисциплин гуманитарного направления в системе образования для обеспечения стабильности и сотрудничества в обществе.

В условиях, когда в Узбекистане закладывается фундамент¹⁰ новой эпохи Возрождения – третьего Ренессанса – особую актуальность приобретают вопросы упорядочения отношений личности и общества, создания и совершенствования технологии по обеспечению прочных знаний по совместимости интересов личности и общества. “Бурно развивающаяся беспокойная и сложная ситуация, разнообразные конфликты предполагают принятия мер по обеспечению мирной, спокойной жизни, по отпору угроз”¹¹. Исследование психологических, педагогических, исторических, философских и социальных сторон отношений личности и общества, “создание научно обоснованной программы повышения правовой культуры для каждой

⁹Institute for the study of Religion, Economies and Society, Institute research social opinion of Gallup, Centre research civil society of University name Johns Hopkins (США), Institute of Central Asia, European Union Institute for Security Studies (Франция), Institute of Contemporary Arts (Англия), Asian Strategy and Leadership Institute (Малайзия), Civil Society Fund Friedrich Ebert, Berlin Civil Society Center (Германия), Institute of Academy for study modern international relations Europe and Asia (Китай), Osaka University (Япония), Seoul of National University (ЮжнаяКорея).

¹⁰ Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма тўққиз йиллигига бағишланган тантанали маъросимдаги нутқи // Халқ сўзи. 2020 йил 1 сентябрь.

¹¹Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. 4-том. – Тошкент: Ўзбекистон, 2020. – Б.44.

отрасли и направления образования”¹² приобретают особую востребованность. Ибо обеспечения единства и солидарности в обществе, формирование у молодёжи таких качеств как патриотизм, самоотверженность, трудолюбие, честность и справедливость считается важным фактором процесса обучения.

Данное диссертационное исследование в определённой степени служит реализации задач, вытекающих из Закона Республики Узбекистан “О государственной молодёжной политике”, Указа Президента ПФ-4947 от 7 февраля 2017 года “О стратегий действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017-2021 годы”, Указа Президента Узбекистана от 5 июля 2017 года ПФ-5106 “О повышении эффективности государственной молодёжной политики и поддержке молодёжного союза Республики Узбекистан”, из постановления Президента ПК-2909 от 20 апреля 2017 года “О мерах по дальнейшему развитию системы высшего образования”, Указа Президента от 8 октября 2019 года ПФ-5847 “О концепции развития системы высшего образования Республики Узбекистан до 2030 года”, “Обращение к Олий Мажлису” от 24 января 2020 года

